

## **АТРОФ ТАБИЙ МУҲИТНИНГ БАРҚАРОРЛИГИ АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ВА МИЛЛАТ ГЕНОФОНДИНИНГ МУҲИМ КАФОЛАТИ**

**Шухрат Абдухалимов,**

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты

### **АННОТАЦИЯ**

*Мамлакатимизда кейинги йилларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик хавфсизликни таъминлаш соҳасида мақсадли ва изчил ислоҳотлар олиб борилмоқда. Бу соҳада норматив-ҳуқуқий база яратилди. Хусусан, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятни тартибга солувчи 30 га яқин қонун, 270 дан зиёд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Шу билан бирга, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва уларга қарши курашиш тизимини янги босқичга кўтариш мақсадида “Экологик патруль” ишлаш тизимини жорий этиш, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш бўйича тегишли бўлинмаларнинг ваколатларини кенгайтириш юзасидан қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш таклиф этилган.*

***Калит сўзлар:** экологик хавфсизлик, “йўл харитаси”, “Чиқиндилар тўғрисида”ги қонун лойиҳаси, экологик назорат, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, Европа Иттифоқи (ЕИ).*

### **АННОТАЦИЯ**

*В последние годы в нашей стране проводятся целенаправленные и последовательные реформы в области охраны окружающей среды, рационального использования природных ресурсов, экологической безопасности. В этой сфере создана нормативная база. В частности, принято около 30 законов, регулирующих деятельность в области экологии, охраны окружающей среды и природопользования, более 270 нормативных правовых актов. При этом в целях поднятия на новый уровень системы предупреждения и борьбы с правонарушениями в области экологии и охраны окружающей среды полномочия соответствующих ведомств по борьбе с правонарушениями в сфере экологии, охраны окружающей среды и природопользования. Предлагается разработать законопроект о расширении.*

*Ключевые слова:* экологическая безопасность, дорожная карта, законопроект об отходах, экологический контроль, гражданское самоуправление, Европейский союз (ЕС).

## **КИРИШ**

Экологик хавфсизликни таъминлаш, экологик вазиятни яхшилаш, қулай экологик ҳолатни барқарор сақлаш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви самарадорлигини таъминлаш ҳамда соҳада содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларни янада жадаллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда экологик назорат соҳасидаги давлат органлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Мазкур ҳужжатга асосан, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитасига атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида жамоатчилик, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни таъминлаш, жамоатчилик назоратига услубий ёрдам кўрсатиш ва кўмаклашиш, фуқароларнинг қулай атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга оширишда қонунчиликка риоя этилиши юзасидан давлат назоратини олиб бориш, маиший чиқиндиларни йиғиш, ташиш, утилизация қилиш, қайта ишлаш ва кўмиш борасида давлат ва хусусий шериклик асосида тизимни ташкил этиш ва шу каби бир қатор янгиланган асосий вазифалар белгилаб берилди.

Президентимизнинг қарори билан тасдиқланган “йўл харитаси”да Давлат экология кўмитаси кенг жамоатчилик, илмий тадқиқот институтлари, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари жалб этган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Экологик кодекси лойиҳасини, шунингдек “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган эколог” фахрий унвонини таъсис этиш бўйича ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Чиқиндилар тўғрисида”ги қонун лойиҳасини янги таҳрирда қабул қилиш орқали такомиллаштиришга қаратилган тегишли чоралар кўриш белгиланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5024-сонли Фармони, “Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат

қўмитаси фаолиятини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2915-сонли ҳамда “2017-2021 йилларда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2916-сонли қарорлари қабул қилиниб, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаси тубдан такомиллаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши, тўпланиши, сақланиши, ташилиши, утилизация қилиниши, қайта ишланиши, кўмилиши ва реализациясини назорат қилиш инспекцияси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 368-сон қарорига асосан Чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши, тўпланиши, сақланиши, ташилиши, утилизация қилиниши, қайта ишланиши, кўмилиши ва реализациясини назорат қилиш инспекцияси ташкил этилди.

### **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш борасида амалга оширилаётган ишлар натижасида атроф-муҳитни асраб-авайлаш, табиий бойликлардан тежамкорлик билан фойдаланиш, атмосфера ҳавоси ва сув объектларининг ифлосланиши, тупроқ деградацияси, зарарланган атроф-муҳитда етиштирилаётган ёки ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати яхшиланишига ва бошқа омилларни аҳоли саломатлигига таъсирини камайтиришга эришилади.

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси фаолиятини самарали ташкил этишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ташкилий тузилмаси, марказий аппарати тузилмаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаларининг намунавий тузилмаси, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси марказий аппаратида Чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши, тўпланиши, сақланиши, ташилиши, утилизация қилиниши, қайта ишланиши, кўмилиши ва реализациясини назорат қилиш инспекциясининг тузилмаси белгилаб берилди.

Таъкидлаш жоиз, “Чиқиндилар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 2002 йилда қабул қилинган бўлиб, ўтган давр мобайнида чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга

солувчи кўплаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва Ҳукумат қарорлари қабул қилинди.

Миллий қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тажрибасини ўрганиш ва таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ҳозирги вақтда амалдаги Қонунда номувофикликлар, қарама-қаршилиқлар ва бўшлиқлар мавжуд.

Хусусан, чиқиндиларни утилизация қилиш, дастлабки саралаш, турлари бўйича алоҳида тўплаш, зарарсизлантириш, такрор фойдаланиш тизими, кўп миқдордаги фойдали компонентларга эга бўлган маиший ҳамда ишлаб чиқариш чиқиндиларини қайта ишлаш ва улардан такрор фойдаланишни рағбатлантириш механизми етарли даражада ривожланмаган.

Бундан ташқари, чиқиндилар мониторинги, уларнинг ҳосил бўлиш ҳисобини юритишни, паспортлашни, кадастрини юритишни ташкил этиш ва амалга ошириш механизми етарли даражада йўлга қўйилмаган. Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида ННТлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари иштирокининг фаоллиги, шунингдек уларнинг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро ҳамкорлиги суст.

Умуман олганда, ҳар йили республикада 35 млн. м<sup>3</sup>га яқин маиший, 100 млн. тоннадан ортиқ саноат (шундан тахминан 14%и токсик) чиқиндилар ҳосил бўлиб, уларнинг аксарият қисми қайта ишланмайди ва такрор фойдаланилмайди. Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги амалдаги қонунчиликни такомиллаштиришни, яъни мазкур соҳада хорижий тажриба ва амалиётни ўрганган ҳолда қонун лойиҳаси ишлаб чиқишни тақозо қилмоқда.

Шу муносабат билан, амалдаги “Чиқиндилар тўғрисида”ги Қонунга қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчаларни киритиш ва унинг янги таҳририни тайёрлаш зарур, деб ҳисоблаймиз. Жумладан, қонун лойиҳасида бешта хавф-хатар тоифаси тизими ўрнига саноат тармоқлари ёки кимёвий-физик параметрлар асосида чиқиндиларни таснифлаш тизимини жорий этиш, ишлаб чиқаришда чиқитсиз ва кам чиқитли технологияларни, саноат объектларида хавфли чиқиндиларни экологик хавфсиз сақлашни ташкил этишни таъминлаш, ўзининг истеъмол хусусиятларини йўқотган ва таркибида хавфли моддалар мавжуд бўлган товарларни (симобли термометрлар, батарейкалар, таркибида симоб мавжуд лампалар ва бошқалар) йиғиш, фойдаланиш ва (ёки) зарарсизлантириш тизимини ташкил этиш ҳамда тиббиёт чиқиндиларини

йиғиш, зарарсизлантириш, утилизация қилиш ва кўмиб ташлаш тизимини ташкил этиш масалаларни назарда тутиш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, Германия, Япония, Корея, Хитой, Россия, Белорусь каби чет давлатларнинг, Европа Иттифоқининг чиқиндилар билан ишлаш соҳасидаги қонунчилиги ва тажрибаси ўрганилди.

Маълум бўлшича, Европа Иттифоқи (ЕИ) давлатлари учун базавий қонун ҳисобланувчи ЕИнинг чиқиндилар тўғрисидаги ҳадли Директивасида чиқиндиларнинг иерархияси, уларни қайта ишлаш мақсадида малакали йиғиш ва саралаш, чиқиндиларни кўмишдан олдин тайёрлаш талаби, чиқиндилардан ишлаб чиқиладиган товар ва маҳсулотларга қўйиладиган талабларни ҳисобга олган ҳолда, атроф-муҳитнинг бузилишига олиб келмайдиган усулларда фойдаланилиш ва зарарсизлантириш белгиланган. Япония, Германия, Хитой, Кореяда чиқиндилардан ишлаб чиқариладиган товар ва маҳсулотларга талаб қўйилади ва тегишли хулосалар берилади.

Шунингдек, Хитойда давлат, фуқаролар ва ташкилотларнинг чиқиндиларни бошқариш соҳасидаги, жумладан эгалик қилиш, жойлаштириш, таранспортировка қилиш, саралаш, утилизация қилиш ва камайтириш борасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган. Қозоғистонда чиқиндиларга бўлган мулк ҳуқуқи, чиқиндиларни саралаш, регенерация қилиш, зарарсизлантириш усуллари, чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш лицензиясига эга бўлган жисмоний ва юридик шахсларни жалб қилиш масалалари тартибга солинган.

## **ХУЛОСА**

Бизнинг фикримизча, мазкур қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга бўлиб, **биринчидан**, ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш жараёларида чиқиндиларнинг ҳосил бўлишини камайтиришга, **иккинчидан**, хўжалик фаолиятида иккиламчи фойдаланиш самарадорлигини оширишга, атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтиришга, **учинчидан**, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга, аҳоли саломатлиги ва генофондини сақлашга, мамлакат барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

## **REFERENCES**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда экологик назорат соҳасидаги давлат органлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 30 декабрдаги ПҚ-76-сон қарори;

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги “Экология ва атропо-мухитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5024-сонли Фармони;
3. “Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропо-мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси фаолиятини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2915-сонли қарори;
4. “2017-2021 йилларда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2916-сонли қарори;
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропо-мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши, тўпланиши, сақланиши, ташилиши, утилизация қилиниши, қайта ишланиши, кўмилиши ва реализациясини назорат қилиш инспекцияси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 368-сон қарори;
6. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган «Чиқиндилар тўғрисида»ги 362-II-сонли Қонуни;
7. Sardor Yusupov. (2022). New directions of development of artificial intelligence and the importance of their legal regulation. *The Peerian Journal*, 5, 170–174. Retrieved from <https://www.peerianjournal.com/index.php/tpj/article/view/122>
8. Bakhranova, M. . (2022). Online Dispute Resolution: Digitalized Disputes and Their Legal Basis. *Journal of Ethics and Diversity in International Communication*, 1(8), 25–29. Retrieved from <http://openaccessjournals.eu/index.php/jedic/article/view/962>
9. Yusupov S. . (2022). Robotics as an Artificial Intelligence and the Need for its International Legal Regulation. *Middle European Scientific Bulletin*, 23, 131-136. Retrieved from <https://cejsr.academicjournal.io/index.php/journal/article/view/1205>
10. Bakhranova Mokhinur A THOROUGH REVIEW OF THE COMMON LAW CONCEPT OF "ARBITRARY TERMINATION" AND "UNFAIR DISMISSAL" (including DIFC&ADGM // Review of law sciences. 2020. №November Exclusive issue. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/a-thorough-review-of-the-common-law-concept-of-arbitrary-termination-and-unfair-dismissal-including-difc-adgm>